BUXORO VILOYATI BUXORO SHAHAR HOKIMINING QARORI

200118, Buxoro shahri, I.Mo‘minov ko‘chasi, 2-uy. Tel: (365) 224-24-10, faks: 224-23-15, e-mail: buxoro.shahar@umail.uz

2022 - yil 4 - noyabr 549-2-42-Q/22 Buxoro shahar hokimligi

Вилоят ҳокимининг 2022 йил 28 октябрдаги 553-2-0-Q/22-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-409-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Вилоят ҳокимининг 2022 йил 28 октябрдаги 553-2-0-Q/22-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-409-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимининг 2022 йил 28 октябрдаги 553-2-0-Q/22-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-409-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги 409-сонли қарори билан:

Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил июль-сентябрь ойлари давомида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 364 та лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча равишда 335 миллиард сўм маблағни 1-иловага мувофиқ ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқулланганлиги;

Молия вазирлиги 3 кун муддатда 2022 йилдаги самарасиз харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига шаклланган маблағларни мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий бюджетларга белгиланган тартибда йўналтирилиши;

2023 молия йилидан бошлаб:

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва

Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига шаклланган қўшимча маблағларнинг 30 фоизи туман (шаҳар)ларда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун туман (шаҳар)лар Фуқаролар ташаббуси жамғармаларига мавжуд аҳоли сони ва маҳаллалар сонидан келиб чиқиб, тенг улушларда йўналтирилиши;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланиши белгиланганлиги;

туман (шаҳар) бюджетлари маблағлари орасида жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали тадбирларни шакллантириш ва уларга овоз бериш жараёнининг биринчи мавсуми ҳар йили февраль-март ойларида, иккинчи мавсуми ҳар йили июнь-июль ойларида; “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали кейинги йил учун тадбирларни шакллантириш ва уларга овоз бериш жараёни – ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида ўтказиш тартиби ўрнатилганлиги;

2023 йил 1 январдан бошлаб, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари молия бўлимларида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида танланган лойиҳаларни бошқариш бўйича мутахассис лавозими жорий этилиши;

Мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш киритилганлиги инобатга олинсин.

3. Бухоро шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – шаҳар иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи (Х.Яхёев), шаҳар ҳокимлиги молия бўлими (Ж.Аминов)га:

Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур қарорининг 1-бандига мувофиқ қўшимча ажратилаётган маблағларнинг уч кун муддатда Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ўтказилишини таъминлаш;

шаҳар маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (Н.Нарзуллаев) билан биргаликда икки ҳафта муддатда овоз беришда иштирок этмаган маҳаллаларда ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларининг тарғибот ишларини ташкил этиш чораларини кўриш топширилсин.

4. Бухоро шаҳар маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази (Б.Халилов)га маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича шаҳар ҳокимининг ёрдамчилари билан биргаликда ташаббусли бюджетлаштириш жараёнига фуқароларни кенг жалб қилиш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бориш, лойиҳаларни шакллантиришга кўмаклашиш, уларнинг сифатли ва муддатида амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

5. Бухоро шаҳар ҳокимлиги молия бўлими (Ж.Аминов)га тегишли ташкилотлар билан биргаликда:

2023 йилда ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур қарорининг 6-бандида кўзда тутилган маблағлар доирасида шаҳар бюджетидан режалаштирилишини таъминлаш;

“Истиқлол” телерадиокомпанияси (Б.Бозоров) билан биргаликда ташаббусли бюджетлаштириш жараёни доирасида амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий ахборот тармоқларида мунтазам равишда ёритиб бориш топширилсин.

6. Бухоро шаҳар ҳокимининг 2021 йил 1 октябрдаги “Вилоят ҳокимининг 2021 йил 29

сентябрдаги 104-2-0-Q/21-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5250-сонли қарорининг ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 149-2-42-Q/21-сонли қарори 3-бандининг биринчи хатбошисида “Бухоро шаҳар ҳокимининг ўринбосари - маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими” сўзлари “шаҳар маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Бухоро шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – шаҳар иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи (Х.Яхёев), шаҳар ҳокимлиги молия бўлими (Ж.Аминов) мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб белгилансин.

8. Мазкур қарор ижросининг назорати шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – шаҳар иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Х.Яхёев зиммасига юклатилсин.

Бухоро шаҳар ҳокими **Ж.Носиров**